



Хурматли ота-оналарга шуни эслатамизки, фарзандлари ўтилаётган дарсларнини ўзлаштира олмаётган бўлса ноумид бўлиб уларни ташлаб кўймасинлар. Ютук машаккатни талаб килади. Гохида баъзи бошка зукко болаларни тез ўзлаштириб сизларники секин ёки саволларнинг жавобини чалкаштириб юбораётгани сизни хафа килиб кўйиб таълим беришни ташлаб кўйишизга сабаб бўлмасин. Шубҳасиз хар бир болада яхшилик бор. Баъзида ўша зукко бола билмаган нарсаларни сизники билиши мумкин. Мўминларнинг кувватлисида хам, заифида хам яхшилик борлигини Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам айтиб ўтганлар.

1. Савол: Болажоним, Аллоҳ инсонлардан энг биринчи кимни яратган?

Жавоб: Одам отамизни яратган.

2. Савол: Одам отамиздан кейин кимни яратган?

Жавоб: Хаво онамизни яратган.

3. Савол: Болажоним,
Одам отамиз билан Хаво онамиз биринчи каерда яшашган?

Жавоб: Улар
аввал жаннатда яшашган.



4. Савол: Жаннат каерда?

Жавоб:

Жаннат осмонда.

5. Савол: Кейин каерда яшашган?

Жавоб: Кейин

Аллох уларни ерга туширган.

6. Савол: Ерда качонгача яшашган?

Жавоб: Вафот этгунларича яшашган.

7. Савол: Нима учун Аллох
уларни жаннатдан туширган?

Жавоб: Шайтон уларни алдаган, шунда улар
гуюх иш килишган, кейин Аллох уларни ерга туширган.

8. Савол: Демак
болажоним Шайтон ёмон экан-да?

Жавоб: Ха дадажон, шайтон Одам отамизга
ва Хаво онамизга душманлик килган.

9. Савол: Болажоним, Шайтон хам
ўлиб кетганми?

Жавоб: Йўқ, у ўлмаган.



10. Савол: Шайтон ерда
хозир нима килиб юрибди?

Жавоб: Шайтон одамларга душманлик килиб,
уларни ёмон ишларга бошлаб адаштириб юрибди.

11. Савол: Демак Шайтон
бизга хам, сенга хам душман экан-да?

Жавоб: Ха дадажон, Шайтон бизга
душман, биз хам уни ёмон кўриб уни ўзимизга душман деб билишимиз
керак.